



doi: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss5/a62

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ КАТТАҚҮРҒОН ТУМАНИ
РИВОЖЛАНИШИДА ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ РОЛИНИ
“МАҲАЛЛАБАЙ” ЁНДАШУВИ ОРҚАЛИ БАҲОЛАШ УСУЛЛАРИ

Шадиева Гулнора Мардиевна –
иқтисодиёт фанлари доктори Самарқанд
иқтисодиёт ва сервис институти профессори

Аннотация. Мақолада оиласиий тадбиркорликниң ривожланишини баҳолашининг “маҳаллабай” ёндашуви тадқиқ этилган. Унда оиласиий тадбиркорликниң ривожланиши Каттақүрғон тумани МФЙлари мисолида таҳлил этилган. Шу асосда МФЙлар фаолияти “яшил”, “сарик” ва “қизил” ранглар бўйича тоифаланган ва таснифланган. Шунингдек, оиласиий тадбиркорликни дастур доирасида қўллаб-куватлаш ҳамда уларнинг маҳаллалар тизимидағи ролини ошириш бўйича илмий-амалий тавсиялар тақлиф қилинган.

Калим сўзлар: худуд, худудлар ривожланиши, “маҳаллабай”, “секторбай”, оиласиий тадбиркорлик, МФЙлар тоифаси, МФЙлар таснифи, баҳолаш, методология.

МЕТОДИКА ОЦЕНКИ РОЛИ СЕМЕЙНОГО ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСТВА В РАЗВИТИИ
КАТТАКОРГАНСКОГО РАЙОНА САМАРКАНДСКОЙ ОБЛАСТИ ЧЕРЕЗ «СОСЕДСКИЙ» ПОДХОД

Шадиева Гульнора Мардиевна –
доктор экономических наук профессор
Самаркандинского института экономики и сервиса

Аннотация. В статье рассматривается «махаллинский» подход к оценке развития семейного бизнеса. Анализируется развитие семейного бизнеса на примере фермерских хозяйств Каттакурганского района. На этом основании деятельность МФУ классифицируется и классифицируется на «зеленые», «желтые» и «красные». Также предложены научно-практические рекомендации по поддержке семейного бизнеса в рамках программы и повышению его роли в системе сообществ.

Ключевые слова: развитие территорий, регион, «махаллабай», «секторбай», семейный бизнес, категория МФУ, классификация МФУ, оценка, методология.

METHODS OF EVALUATING THE ROLE OF FAMILY ENTREPRENEURSHIP IN THE
DEVELOPMENT OF KATTAKORGAN DISTRICT OF SAMARKAND REGION THROUGH
THE “NEIGHBORHOOD” APPROACH

Shadieva Gulnora Mardiyevna –
Doctor of Economics Professor of the
Samarkand Institute of Economics and Service

Annotation. The article examines the "mahalla" approach to assessing the development of family business. It analyzes the development of family business on the example of farms of Kattakurgan district. On this basis, the activities of MFYs are classified and classified into "green", "yellow" and "red". Scientific and practical recommendations were also offered to support family businesses within the program and increase their role in the community system.

Keywords: development of territories, "sectorbay", region, "mahallabay", family business, category of MFYs, classification of MFYs, assessment, methodology.

Кириш. Маълумки, 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида [1] худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича дастурлар асосида ҳар йили барча туман ва шаҳарнинг муаммо ва имкониятларини чуқур ўргангандан ҳолда худудлар кесимида тараққиёт дастурлари ишлаб чиқиши вазифаси қўйилган эди [1]. Ушбу концепцияда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги “Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПҚ-4702-сонли қарори қабул

қилинди. Мазкур ҳужжатда “...худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ҳозирги ҳолатини чуқур таҳлил қилишда истиқболга ўйналтирилган мақсадли дастурларни ишлаб чиқиши учун уни комплекс баҳолашнинг ҳамда юзага келаётган муаммоларни ҳал қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар ишлаб чиқсан ҳолда уларга тезкорлик билан ва лозим даражада жавоб қайтаришнинг ягона мувофиқлаштирилган механизми йўқлиги тўсқинлик қилмоқда” [2] деб кўрсатиб ўтилган. Бундан келиб чиқиб, худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда оиласиий тадбиркорликниң ролини маҳаллабай иш услубида баҳолашнинг мезон ва

кўрсаткичларини ишлаб чиқиши ўз олдимизга вазифа этиб белгилаб олдик.

Адабиётлар таҳлили. Тадбиркорлик, оилавий тадбиркорликнинг иқтисодиётдаги роли ва уни ривожлантиришнинг амалий ва назарий масалалари кўплаб хорижлик олимлар томонидан ўрганилган.

А.Смит (1723-1790) ўзининг «Халқлар бойликларининг моҳияти ва сабабларини тадқиқ этиш» (1776 й.) номли китобида оилавий тадбиркорликнинг шаклланишида уй хўжаликларининг ишлаб чиқариш фаолиятини тадқиқ этиш муҳим услугбий аҳамият касб этишини таъкидлаб, қуйидаги фикрларни билдирган: “Оилавий тадбиркорлик уй хўжалиги тараққиётининг илк шаклланиш ва ривожланиш босқичини ифода этиб, унга бўлган назарий қарашларни шакллантириш учун муҳим методологик функцияни ўтайди. Бундай ёндашувлар заминида уй хўжалиги хўжалик юритишнинг асосий ва илғор шакли сифатида унинг ишлаб чиқариш қобилияти ва функциялари ҳамда иқтисодий муносабатлар тизимидағи ўрни тадқиқот объекти сифатида қаралади [3].

Н.М.Бархатованинг фикрича, оилавий тадбиркорлик “Оила бошлиғи томонидан ташкил этилган ва унда оила аъзолари турли лавозимларда ишлайдиган бизнес туридир” [4].

Д.А.Волков эса оилавий тадбиркорликка қуйидагича таъриф беради: “... муваффақият мезони молиявий кўрсаткичлардан иборат бўлмаган, оила томонидан “бир одам бошқаруви”ни назарда тутадиган компания ривожланишининг маълум бир босқичидир [5].

Оилавий тадбиркорлик хусусида ҳам иқтисодий адабиётларда айрим фикрлар айтилмоқда. Умуман олганда, оила аъзолари даромад (фойда) олиш мақсадида ўзларининг мулкига асосланиб, бирорта фаолият билан шуғулланса, бу оила тадбиркорлигига киради. Бу борада айрим олимларимиз томонидан ҳам тегишли фикрлар айтилган. Жумладан, М.Қ.Пардаев ва З.Н.Курбоновлар оила тадбиркорлигига “Оилавий мулкка асосланган оила аъзолари иштирок этадиган тадбиркорлик оила тадбиркорлиги деб аталади” деган таърифни берган. Ушбу таъриф оилавий тадбиркорликнинг мазмунини очиб беради [6].

Мамлакатимизда ҳам иқтисодчи олимлардан Б.Беркинов[7] уй хўжаликларининг макро-иқтисодий мувозанатни шакллантириш жараёнида тутган ўрни нуқтаи назаридан тадқиқотларни амалга оширмоқда. Иқтисодчи олимларимиздан Ҳ.П.Абулқосимов, А.А.Қулматовлар ўзларининг илмий адабиётларида: “... оила хўжалигини юритувчи ва оилавий тадбиркорлик фаолиятига раҳбарлик қилувчи шахс тадбиркор ҳисобланади, оиланинг бошқа аъзолари эса эркин

ишчи-хизматчи бўлиб, олинган даромадга эгалик қилиш хуқуқига эга бўлади” [8], – деб таъриф беришган. Иқтисодчи олим Ш.Кувондиковнинг фикрича, оилавий тадбиркорлик деганда, умумий оилавий капиталга таяниб, оила аъзоларининг биргалиқдаги ҳаракати, ўзаро кўмаклашуви ва ўзини-ўзи бошқаришга асосланган тадбиркорлик фаолияти тушунилади. Бундай ёндашув натижасида оилавий тадбиркорликни қўллаб-куватлаш ва бошқариш тизимини “ўзини-ўзи ташкиллаштириш” ва “ўзини-ўзи бошқариш” тамойиллари асосида такомиллаштиришга эришиш мумкин [9].

Шуни алоҳида айтиш лозимки, республикамизда бугунги шаклланаётган иқтисодиёт бутунлай бир янги йўналишда олиб борилмоқда. Бунга сабаб мамлакатимиз иқтисодиётининг ўзига хос хусусиятларидир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: «Бизнинг яна бир муҳим вазифамиз – кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасини қўллаб-куватлаш ва рағбатлантириш, мамлакатимиз иқтисодий қудратини, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, ижтимоий тотувликни мустаҳкамлашдан, бу соҳа улушкини янада ошириш учун қулай шартшароитлар яратиб беришдан иборат... Шунинг учун бундан кейин тадбиркорликни ривожлантиришга тўсқинлик қилиш – давлат сиёсатига, Президент сиёсатига тўсқинлик қилиш, деб баҳоланади», – деб таъкидлаб ўтган. Қабул қилинган меърий-хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида Самарқанд вилоятининг Каттакўрғон туманида оилавий тадбиркорликни ташкил этиш ва ривожлантириш мақсадида олиб борилган изланишлар натижасида илмий хуносаларга келинди.

Тадқиқот методлари. Мақолада кузатиш, жамлаш, гурухлаш ва статистик маълумотлар манбалари ўртасидаги алоқаларни аниқлаш усуллари ва назарий тадқиқотнинг анализ ва синтез усулларидан кенг фойдаланилди.

Таҳлил натижа мухокамаси. Иқтисодий адабиётларда худудларни ривожлантиришнинг турли хил ёндашувлари мавжуд. Бу борада худудларнинг ўз-ўзини ривожлантириш, худудлар ривожланишида оилавий тадбиркорлик ролини баҳолашнинг “маҳаллабай” ёндашуви имкониятларини баҳолаш кўрсаткичлари таклиф этилган [10]. Худудларнинг кичик тадбиркорлик ривожланиш даражасига кўра рейтингини аниқлаш методикаси ишлаб чиқилган [11]. Мамлакатимизда ҳам худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг турли омиллари ўрганилган. Жумладан, иқтисодий ўсишнинг муҳим омили сифатида минтақа иқтисодиётига бевосита таъсир кўрсатаётган етакчи соҳалар ва худудларнинг комплекс барқарор ижтимоий-

иқтисодий ривожланишини таъминлаш масалалари [12], Ўзбекистон Республикаси худудларининг инновацион ривожланиши муаммолари [13], мамлакат худудлари иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг ўзига хос хусусиятлари ва унинг асосий омили сифатида ялпи худудий маҳсулот кўрсаткичлари таҳлил қилинган [14], худудларнинг бир текисда ривожланишини таъминлаш, худудларда истиқомат қиласидаги аҳоли даромадлари ўртасидаги кескин фарқланышнинг олдини олиш билан боғлиқ масалаларни макро ва мезоиқтисодий даражада ҳал этиш бўйича тавсиялар берилган [15]. Шунингдек, худудлар инновацион тизими, худудий инновацион тузилмаларнинг таснифланиши, инновацион салоҳиятнинг жамланиш омиллари ҳамда худуднинг инновацион салоҳияти тузилмаси тадқиқ этилган [16]. Миллий иқтисодиётнинг барқарор ривожланиши ва унинг рақобатбардошлигини таъминлашда худудларнинг ижтимоий-иқтисодий салоҳиятидан самарали фойдаланиш масалалари ўрганилган [17]. Бу борада биз томонимиздан олиб борилган тадқиқот худудлар ривожланишида оилавий тадбиркорликнинг ролини “маҳаллабай” ёндашувида баҳолашга қаратилди. Шу ўринда маҳалла институтининг давлат ва жамият тизимидағи ўрнига тўхталиб ўтамиз. Маҳалла – Ўзбекистонда маъмурий худудий бирлик, ўзини ўзи бошқаришнинг халқимиз анъаналари ва қадрияларига хос бўлган усули [18]. Маҳалла фуқароларнинг

ўзини ўзи бошқариш органлари – фуқароларнинг халқ ҳокимиятини бевосита амалга ошириши, давлат ва жамият ишларида тўғридан-тўғри иштирок этиши воситаларидан бири. Асосий вазифаси фуқароларни маҳаллий аҳамиятга боғлиқ масалаларни ҳал қилишда мустақил фаолият олиб боришини таъминлашдир [19].

Худудлар ривожланишида оилавий тадбиркорликнинг ролини “маҳаллабай” ёндашувида баҳолашда қуйидаги кўрсаткичлар тизимидағи фойдаланилди:

- МФЙ (сектор)лар худудидаги оилалар сони (бирлик);
- МФЙ (сектор)лар худудидаги оилавий тадбиркорлик билан шуғулланадиган оилалар сони (бирлик);
- МФЙ (сектор)лар худудидаги оилавий тадбиркорларнинг оилаларга нисбатан улуши.

Оилавий тадбиркорликнинг ривожланишини “секторбай” ва “маҳаллабай” ёндашувида баҳолаш методикаси ҳар бир МФЙ(сектор)ни оилавий тадбиркорликнинг ривожланиш даражасига кўра тоифалаш имконини беради. Бунда оилавий тадбиркорликнинг маҳалладаги оилаларни қамраб олиш даражаси асосий мезон сифатида қаралиши ўта мухим. Шунга кўра, юқори (20,0 ва ундан юқори) – “яшил”, ўрта (10,0-19,0 фоиз) – “сариқ” ва паст (0,0 дан 9,0 фоизгача) – “қизил” тоифадаги МФЙ (сектор)га тоифалаш тавсия этилди [24] (1-жадвал).

1-жадвал

Худудларда оилавий тадбиркорликнинг ривожланишини “секторбай” ва “маҳаллабай” ёндашувида баҳолашнинг мезон ва кўрсаткичлари ҳамда тоифалаш методикаси[24]

Худуд	Сектор	МФЙ (Маҳалла номи)	Оилалар сони	Оилавий тадбиркорлик билан шуғулланадиган оилалар сони		МФЙ тоифаси
				Жами	Улуши,%	
1	2	3	4	5	$6 = [5] * 100 \% / [4]$	$7 = 6 = (20,0 - 100) - \text{“яшил”};$ $(10,0-19,0) - \text{“сариқ”};$ $(0,0-9,0) - \text{“қизил”}$

Манба: муаллифлар томонидан ишлаб чиқилган.

Мазкур кўрсаткичлар асосида Каттақўрғон туманининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида оилавий тадбиркорликнинг роли 2021 йил 1 январь ҳолатига кўра баҳоланди. Маълумот ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, тумандаги 69 та МФЙларда оилавий тадбиркорликнинг ривожланиш даражаси бир-биридан кескин фарқ билан ажralиб туради. Хусусан, уларнинг сектор ва маҳаллалар кесимида сони бўйича ривожланиши қуйидаги тенденцияни намоён этди:

- энг юқори даражада ривожланган МФЙлар, 1-сектор бўйича: “Найман”, “Қўштепа”, “Жонкел”, “Қирғиз”, “Болтабек”; 2-сектор бўйи-

ча: “А.Навоий”, “Кадан”, “Тарнов”; 3-сектор бўйича: “Баландчордара”, “Навбаҳор”, “Полвонтепа”, “Яккабоғ”, “Янги ҳаёт”, “Күшбеги”, “Янгиқўрғонча”, “Мейлихўжа”, “Алижон”, “Омонкалхат”, “Ойжон” (жамига нисбатан тадбиркорлик билан шуғулланувчи оилаларнинг 71,4 %ини ташкил этади);

- ўрта даражада ривожланган МФЙлар: 1-сектор бўйича “Вайрот”, “Ёви”, “Валижон”; 2-сектор бўйича: “Таварон”, “Мадраса”, “Муллатоғай”, “Муллакурпа”, “Ёдгорхужа”; 3-сектор бўйича: “Қорадарё”, “Шурак”, “Омонбойқўприк”, 4-сектор бўйича: “Нисбат” МФЙларига тўғри келиб, уларнинг улуши 12,9 %ни ташкил этган;

• энг кам ривожланган МФЙлар: 1-сектор бўйича "Қумоқ", "Каттаъминг", "Мўминхужа", "Файзикент", "Янгиҳаёт", "Мундиён"; 2-сектор бўйича: "Чароғон", "Дўстлик", "Боғот", "М.Улуғбек", "Янгиравот", "Жавлон", "Чуянчи", "Қиёт"; З-секторга: "Зарқўргон", "Олмазор", "Каттақурпа", "Баландравот", "Уйшун", "Гўзал", "Саройқўргон", "Янгиқиёт", "Кумушкент", "Қоракўлча", "Бунёдкор", "Намозполвон", "Кумушқирғоқ", "Янгиобод"; 4-сектор бўйича: "Жумабой", "Чигатой", "Мойбулоқ", "Жизмонсой", "Қоқсой", "Ёнбошсой", "Қўшқутон", "Бургансой", "Себустон", "Андоқсой", "Қўшҳовуз" МФЙлари тўғри келади (1-жадвал). Булар тумандаги барча МФЙларининг 55,1 %ини, тадбиркор оилаларнинг 15,7 %ини қамраб олади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, оилавий тадбиркорликнинг туман маҳаллаларини ривожлантиришдаги ўрнини ҳам баҳолаш мумкин:

- энг юқори даражада ривожланган МФЙ: барча маҳаллаларда тадбиркорлик билан шу-

гулланувчи оилаларнинг 71,4 %ини ташкил этади;

• ўрта даражада ривожланган МФЙлар барча маҳаллаларда тадбиркорлик билан шуғулланувчи оилаларнинг 12,9 %ини ташкил этади;


• энг кам ривожланган МФЙлар: тумандаги барча МФЙларнинг 55,1 %ини, тадбиркор оилаларнинг 15,7 %ини ташкил этади. Агар оилавий тадбиркорликнинг туман иқтисодиёти учун берадиган самарасини Парето усули (80/20) бўйича ҳисобласак, 20 % оилавий тадбиркорлик ривожланган МФЙлар туман (шахар)га уларнинг барчаси ҳисобига эришиш мумкин бўлган иқтисодий самаранинг 80 %ини таъминлаб бериши мумкин. Шунга асосланиб, 2021 йил учун Каттақўргон туманининг 69 та МФЙлари бўйича оилавий тадбиркорликнинг ривожланиш ҳолати таснифланди (2-жадвал).

2-жадвал

2020 йил учун Каттақўргон туманинаги оилавий тадбиркорликнинг секторлар ва МФЙлар бўйича ривожланиш таснифи

МФЙ номи (сектор)	Тоифаси	Таснифи
"Найман"(1), "Қўштепа" (1), "Жонкел" (1), "Қирғиз"(1), "Болтабек" (1), "А.Навоий" (2), "Қадан"(2), "Тарнов"(2), "Баландчордара"(3), "Навбаҳор"(3), "Полвонтепа"(3), "Яккабоғ"(3), "Янгиҳаёт"(3), "Күшбеги" (3), "Янгиқўргонча" (3), "Мейлихўжа" (3), "Алижон"(3), "Омонкалхат"(3), "Ойжон" (3)	"Яшил"	Юқори даража. Бу МФЙлар туманда "Хар бир оила - тадбиркор" давлат дастури мақсадларини рўёбга чиқаришда етакчилик қиласди. Ушбу маҳаллаларга жами оилавий тадбиркорликнинг 71,4 %и тўғри келади. Улар туманинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, хусусан, маҳалла аҳолиси бандлиги ва даромадларини ошириш, янги иш ўринларини яратиш ҳамда камбағалликни қисқартиришда муносиб ҳиссага эга бўлган МФЙлар ҳисобланади.
"Валижон"(1), "Вайрот"(1), "Ёви"(1), "Таварон"(2), "Мадраса"(2), "Муллатофай"(2), "Муллакурпа"(2), "Ёдгорхўжа"(2), "Қорадарё"(3), "Шурак"(3), "Омонбойкўприк"(3), "Нисбат"(4)	"Сарик"	Ўрта даражা. Ушбу МФЙларда оилавий тадбиркорликнинг ривожланиш дражаси нисбатан паст. Уларнинг улуши 12,9 %га тенг. Бу тоифага мансуб МФЙлардаги оилалар ўз бизнесларини кенгайтириш ва айланма маблағларини кўпайтириш учун кредит маблағлари ва субсидияларга эҳтиёжи юқори. Бу МФЙлар бўйича аниқ манзилли чора-тадбирлар ва йўл хариталари ишлаб чиқиши таклиф этилади.
"Қумоқ" (1), "Каттаъминг"(1), "Мўминхўжа"(1), "Файзикент"(1), "Янгиҳаёт"(1), "Мундиён"(1), "Чароғон"(2), "Дўстлик"(2), "Боғот"(2), "М.Улуғбек"(2), "Янгиравот"(2), "Жавлон"(2), "Чуянчи"(2), "Қиёт"(2), "Зарқўргон"(3), "Олмазор"(3), "Каттақурпа"(3), "Баландравот"(3), "Уйшун"(3), "Гўзал"(3), "Саройқўргон"(3), "Янгиқиёт"(3), "Кумушкент"(3), "Қоракўлча"(3), "Бунёдкор"(3), "Намозполвон"(3), "Кумушқирғоқ"(3), "Жумабой"(4), "Чигатой"(4), "Мойбулоқ"(4), "Жизмонсой"(4), "Қоқсой"(4), "Ёнбошсой"(4), "Қўшқутон"(4), "Бургансой" (4), "Себустон"(4), "Андоқсой"(4), "Қўшҳовуз" (4).	"Қизил"	Паст даража. Бу тоифадаги МФЙлар тадбиркорлик инфратузилмасининг ривожланмаганлиги, бозор ҳудуди ва М-37 магистраль йўлидан узоқда жойлашганлиги ҳамда тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун дастлабки капиталнинг етарли эмаслиги билан таснифланади. Улар тумандаги барча МФЙларининг 55,1 %ини, тадбиркор оилаларнинг 15,7 %ини ташкил этади. Бу маҳаллалардаги оилалар тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун ўз ички имкониятлари (молиявий ресурслари, мулки, бизнес учун мослашмаган турар жой) етарли эмас. Бу борада мазкур МФЙлар бўйича давлат кўллаб-куватлаш чора-тадбирларини кучайтириш зарур. Хусусан, "хонадонбай" иш услубида ҳар бир хонадон бўйича "йўл харита"лари ишлаб чиқиши, бунда уларни зарур ускуналар билан таъминлаш (субсидиялар бериш) тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ. "Маҳаллабай" ёндашув асосида МФЙлардаги бўш бинолардан самарали фойдаланиш ва бунда тикув цехларини ташкил этиш бўйича эркин саноат зоналари билан кооперация алоқаларини ўрнатиш мақсадга мувофиқ.

Манба: Каттақўргон тумани Маҳалла ва оилани қўллаб-куватлаш бўлими маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



1-расм. 2021 йил учун Каттақүрғон тумани МФЙ (сектор)лари кесимида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадларида ажратиласкан субсидияларнинг таклиф этилаётган тақсимоти

Манба: муаллиф томонидан тузылган.

Каттақүрғон туманида оилавий тадбиркорликнинг ривожланишига секторбай ва маҳаллабай ёндашувига кўра таснифи шуни кўрсатмоқдаки (З-жадвал), МФЙ (сектор)лар кесимида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун давлат томонидан ажратилаётган субсидиялар ҳажмини “яшил” – 5 %, “сариқ” – 15 % ва “қизил” тоифадаги маҳаллаларга – 80 %гача нисбатда табақалаштирилган ҳолда ажратиш мақсадга мувофиқ бўлади (1-расм).

Хулоса ва таклифлар. Каттақүрғон тумани оилавий тадбиркорликнинг ривожланишига кўра, Самарқанд вилоятидаги жами фаолият кўрсатаётган оилавий корхоналарнинг 9,5 фоизини, уларнинг ҳар 100 та оилага тўғри келадиган сони 1,1 бирликни ташкил этади. Туманда уларнинг сони вилоят ўртacha кўрсаткичи(422 та)дан юқори. Бошқача айтганда оилавий тадбиркорликнинг ривожланиш кўрсаткичлари бўйича вилоятда 4-ўрин, ривожланиш таснифига кўра, юқори даражадаги “яшил” тоифага хос ҳудуд ҳисобланади. Бу туманинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида оилавий тадбиркорликнинг ўрни етарли. Ушбу ҳудудда хизматлар соҳасининг ахборот ва алоқа ҳамда соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш каби фаолият йўналишларида оилавий тадбиркорлик фаолияти деярли йўлга қўйилмаган. Мамлакатимизда 2020 йилни “Илм-маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” деб эълон қилиниши бевосита ахборот ва алоқа хизматларини ривожлантиришни ҳам назарда тулади. Шу боис ушбу туман бўйича ҳудудий дастурларнинг кўшимча чора-тадбирларини белгилашда “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида хизматлар соҳасидаги лойиҳаларни кредитлашга устуворлик берилиши мақсадга мувофиқлиги асослантирилди.

Шунингдек, 2020 йилда Каттақүрғон туманида оилавий тадбиркорликнинг ривожланиш ҳолатини таҳлил қилиш асосида 2021 ва кейинги йиллар учун туманинг ижтимоий-иқти-

содий ривожлантириш дастурида оилавий тадбиркорлик йўналишида муҳим вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди (дастур). Ушбу дастур таркиби қуйидаги йўналиш ва чора-тадбирларни қамраб олади:

1. Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш асосида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш. Бу йўналишда қуйидаги чора-тадбирлар белгиланган:

- “Аёллар дафтари”да турган хотин-қизларни томорқадан унумли фойдаланишга, уй шароитида хунармандчилик ва касаначилик меҳнатига ҳамда иссиқхоналар ташкил этиши орқали янги иш ўринларини яратиш (“қизил” ҳудуддаги 38 та МФЙларда);

- “Ургут” эркин иқтисодий зонаси билан ишлаб чиқариш бўйича кооперация алоқаларини йўлга қўйиш асосида тумандаги чегарадош МФЙлардаги бўш биноларда 10 та тикувчилик хоналари ташкил этиши;

- туман ҳудуди бўйлаб ўтган M-37 асосий магистраль йўлидаги хонадонларда савдо ва умумий овқатланишга ихтисослашган оилавий корхоналарни ташкил этиши.

2. Ёшлар бандлиги ва тадбиркорлигини кўллаб-куvvatlash йўналишида қуйидаги чора-тадбирлар белгиланди:

- Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш орқали ишлаб чиқаришнинг янги йўналишларини яратиш, иш ўринлари сони ва сифатини оширишда замонавий ёндашув услубларини жорий этиши;

- Тадбиркорлик фаолиятига қизиқиши бор ёшларни кўллаб-куvvatlash мақсадида туман МФЙлари қошида “Бизнес клуб”лар фаолиятини йўлга қўйиш;

- МФЙларида “Ёшлар дафтари”га киритилган ёшларни “Устоз-шогирд” анъаналари бўйича хунарманд, ҳайкалтарош ва тадбиркорларга биритириш орқали уларнинг бандлигини таъминлашга кўмаклашиш.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. 2022 йил 28 январь, ПФ-60-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Ҳудудларни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиши түгрисида. 2020 йил 1 май, ПҚ-4702-сон.
3. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Соц.экзиз, 1962. – 332 с.
4. Бархатова Н.М. Семейный бизнес и семья в бизнесе. // ЭКО, 1999, № 2 (<http://ecotrends.ru/subscribe/1841-2014-03-06-10-13-03>);
5. Волков Д.А. Стадии и жизненные циклы развития семейного бизнеса. // Российское предпринимательство, 2011. Вып. 2, с. 11-16.
6. Пардаев М.Қ., Курбанов З.Н. Оила бизнеси ва тадбиркорлиги. – Самарқанд: СамКИ, 1999. 18-б.
7. Беркинов Б. Ўзбекистон иктисодиётида уй хўжаликларининг ўрни ва истиқболда ривожланиши тенденциялари. Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики: материалы IV го форума экономистов (Часть II). – Т.: ПРООН, ИПМИ, 2012. – 172 б.
8. Абулқосимов Ҳ.П., Кулматов А.А. Ўзбекистонда кичик бизнес соҳасида оиласи тадбиркорликнинг ўрни ва уни ривожлантириши ўйлари. Монография. – Т.: Университет, 2015.
9. Қувондиков Ш.О. Хизмат соҳаларида оиласи тадбиркорликни ривожлантириш муаммолари. И.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Самарқанд: СамИСИ, 2008. – 24 б.
10. Гретченко А.И. и др. Показатели оценки потенциала саморазвития территории. // Вестник Российской экономического университета имени Г.В.Плеханова. 2013. № 12, с. 70-74.
11. Ловкова Е.С., Абрамова Ю.В. Рейтинг регионов по уровню развития малого предпринимательства. // Бюллетень науки и практики. 2019. Т. 5. № 5. С. 314-323. <https://doi.org/10.33619/2414-2948/42/41>
12. Khidirova G. The methods of identify impact of leading idustry on social-economical development, Inter national Finance and Accounting: Vol. 2018: Iss. 4, Article 15. Available at:<https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss4/1>
13. Жианова Н.Э., Умарова А. И. Ўзбекистон Республикаси ҳудудларининг инновацион ривожланишини токомиллаштириши ўйлари. // Экономика и финансы (Ўзбекистан). 2019. №3. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/zbekistonrespublikasi-hududlarining-innovatsion-rivozhlanishinitakomillashtirish-yullari> (дата обращения: 28.08.2020).
14. Олимов М.К. Ҳудудлар иктиносидий хавфсизлигини таъминлаш: ўзига хос жиҳатлар ва асосий омиллар. Мамлакат иктиносидий хавфсизлигини таъминлашнинг устувор ўйналишлари, 2019. 1(1), 6, https://journal.tsue.uz/index.php/iqtisodiy_xavfsizlik/article/view/226
15. Мустафақулов Ш. Ҳудудларнинг инвестицион жозибадорлиги: аниқлашнинг услубий жиҳатлари ва таъсир кўрсатадиган омилларнинг таснифи таҳлили. // Центр научных публикаций в Узбекистане. 2019. – С. 22.
16. Абдувалиев А.А. Ҳудудларнинг ижтимоий-иктиносидий муҳитида инновацион тизимни ривожлантиришнинг назарий асослари. // Экономика и финанссы (Ўзбекистан). 2016. № 7.
17. Каримов Да.А. Республика ҳудудларининг ижтимоий-иктиносидий ривожланишини таҳлил қилишда рейтинг баҳолаш тизимининг моҳияти ва афзалликлари. // "Иктиносидиёт ва инновацион технологиялар" илмий-электрон журнали. 5-сон, сентябрь-октябрь, 2020 й.
18. <https://qomus.info>
19. Shadiyeva G. Opportunities to Develop Small Business and Family Entrepreneurship in Rural Areas. Academic Journal of Digital Economics and Stability, 2021, 7, 101-106.
20. Shadieva G., Azamatovna T.D. & Abdulkhalilovich S.B. The role of retail trade in increasing the standard of living of the population. INTERNATIONAL JOURNAL OF SOCIAL SCIENCE & INTERDISCIPLINARY RESEARCH ISSN: 2277-3630 Impact factor: 7.429, 11, 2022, 64-67.
21. Шадиева Г.М. and Садинова Б.Б. Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириши ўйлари. 2022, 153-163.
22. Mardievna S.G. & Oblokulovich K.S. Methodology for Determining the Role of Family Business in the Economy. European Business & Management, 7(6), 2021, 199.
23. Shadieva G.M. & Kuvandikov S.O. "Mahallabay" approach to assessing the role of family entrepreneurship in regional development. Экономика: анализы и прогнозы, (3), 2021, 122-126.
24. Shadieva G.M. & Kuvandikov S.O. "Hududlar rivojlanishida oilaviy tadbirkorlik rolini baholashning "Mahallabay" yondashuvi. – Samarcand: Samarcand iqtisodiyot va servis instituti.
25. Qurbanov Z., & Isaev F. Иктиносидий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлили. Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar, 2017, (1), 321-328. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9190
26. Исаев Ф. Совершенствование методики расчета налоговой нагрузки. Экономика и образование, 2021, (6), 86-91. Извлечено от <https://cedr.tsue.uz/index.php/journal/article/view/286>
27. Исаев Ф. Камерал солиқ текширувларини ўтказишда солиқ таҳлилидан фойдаланишини токомиллаштириши. // Экономика и образование. 2021. № 4. С. 172-176.
28. Курбанов З.Н., Исаев Ф.И. Налоговый анализ как новое направление экономического анализа. // Актуальные вопросы совершенствования бухгалтерского учета, статистики и налогообложения организаций. 2017. С. 246-254.
29. Isaev F. Солиқ имтиёзларининг солиқ юки кўрсаткичига таъсирни таҳлили. Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar, 2017, (6), 294-301. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/9579
30. Исаев Ф.И. Солиқларнинг таҳлика-таҳлил қилиши методикаси. // "Иктиносидиёт ва инновацион технологиялар" илмий-электрон журнали. 2021.
31. Isaev F. Мол-мulkни солиқка тортишини токомиллаштириши. Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar, 2021, (6), 326-333. Retrieved from https://inlibrary.uz/index.php/economics_and_innovative/article/view/12224
32. Исаев Ф. Солиқ таҳлилини ўрганиш зарурати. 2022. Архив научных исследований, 2(1). Извлечено от <http://journal.tsue.uz/index.php/archive/article/view/720>
33. Курбанов З., Исаев Ф. Солиқ ҳисоби ва солиқ ҳисоботининг баъзи масалалари. // Экономика и образование. 2022. Т. 23. № 4. С. 190-196.